


## Насх атамасининг пайдо бўлиши



17:00 / 17.05.2022 1778

Мукулмон таълимотига кўра, пайғамбарларга, жумладан, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳийлар янада кенгроқ доирага эга бўлиб, фақат муқаддас Китобга киритилган оятлар билан чекланиб қолмаган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча сўзлари, ҳаракатлари, сўзсиз розиликлари ва ҳоказолар ўзига хос тарзда илоҳий ваҳий натижасидир. Агар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсада хато қилган бўлсалар, Аллоҳ таоло ваҳий нозил қилиб тузатди. Шунинг учун ҳам суннат ҳам, Қуръон ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган ҳисобланади. Суннат расмий китоб бўлмагани учун Қуръонни тўлдиреди ва унга шарҳ беради.

Аллоҳ таоло турли сабабларга кўра, амрларни насх қилди. Чунончи, оятларнинг насх қилинишига сабаблардан бири инсонларни аста-секин илоҳий амрларнинг бажарилишига ва моҳиятини тушунишга кўниктириш истаги эди. Кўпинча ҳаётлари давомида бир турмуш тарзига ўрганиб қолганлар учун уни кескин ўзгартириш қийин бўлишини англаган ҳолда, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари давомида Ислом қоидаларини аста-секин ўзгартирди. Баъзи оятлар, насх қилинганига қарамай, Қуръонда сақланиб қолган.

Агар бир оят бошқа оят билан алмаштирилса, Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол буни саҳобаларига эълон қилишни буюрдилар. Аммо кўп саҳобалар оятларни ёд олиб, Исломга даъват қилиш учун Арабистоннинг турли ҳудудларига жўнаб кетишди. Шу сабабли, айрим ҳолларда оятларнинг бекор қилинганлиги ҳақида маълумотга эга бўлмаган, натижада бекор қилинган оятларни ўқишда давом этган. Қуръоннинг таркиби ва унда содир бўлган ўзгаришлар ҳақида фақат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга энг яқин кишилар тўлиқ маълумотга эга эдилар.

Амрларни насх бўлиши нафақат исломда, балки бошқа динларда ҳам (масалан, иудаизм ва христианликда) учрайди. Инжил матнларида эслатиб ўтилган бекор қилинган амрлар орасида иккита опа-сингилга уйланиш тақиқланганлигини таъкидлаш мумкин. Шанба куни дунёвий ишлар билан шуғулланишнинг тақиқланиши, баъзи ҳайвонларни истеъмол қилишни тақиқлаш ва бошқалар.

Насх атамасининг луғатда 2 хил маъноси бор:

1. Бир нарсанинг асли қолиши билан бирга, унинг нусхасини бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш. Масалан, «Китобни насх қилди» деганда, ундан нусха олиш тушунилади.
2. «Кетказиш ва ўчириш» маънолари. Ушбу маънодаги кетказиш ва ўчириш икки хил бўлади:

Биринчисида насх қилинган нарсани бир йўла йўқ қилиб юборилади.

Иккинчисида насх қилинган нарсанинг ўрнига бошқаси келтирилади.

Насхнинг истилоҳдаги маъноси:

Қадимги уламолар «насх» сўзини жуда ҳам кенг маънода ишлатганлар. Улар бу сўзни мутлақ ҳолда – қайдланмаган маънони қайдлаш учун ҳам, умумий маънони хослаш учун ҳам, мубҳам ва мужмални баён қилиш учун ҳам ишлатаверганлар. Шунингдек, уларнинг бу сўзни ишлатишлари маълум бир шаръий ҳукми кейин келган шаръий далил билан амалдан қолдиришни ҳам ўз ичига олган. «Насх» сўзининг худди мана шу охириги маънодаги ишлатилиши унинг «кетказиш ва ўчириш» деган маъносини ўз ичига олгандир.

Уламолар насхнинг таърифида бир қанча ибора ва жумлаларни ишлатганлар. Уларнинг барчаси, иборалари турлича бўлишига қарамасдан, шариат ҳукмларидаги насхни ифода қилади. Ушбу таърифларни қунт билан ўрганиб чиққан мутахассис уламоларимиз уларнинг ичидан энг мукаммали ва мақсадни тўлиқ англатувчиси ўлароқ, куйидаги таърифни танлаганлар:

«Насх — шаръий ҳукмни кейин келган шаръий далил билан бекор қилишдир».

Ушбу таърифни уламоларнинг кўпчилиги розилик билан ихтиёр этганлар ва уни амал учун қабул қилганлар.

Шунингдек, «насх» сўзи луғатда ўзгартиш, бекор қилиш маъносини билдиради. Шариат таърифида эса, бир шаръий ҳукмнинг ундан кейин келган шаръий далил билан бекор қилинишига айтилади. Тушуниш учун оддий бир мисол келтирадиган бўлсак, кўпчилик бўлар-бўлмасга Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига кириб, бекорчи гаплар билан у зотнинг вақтларини олаверганидан сўнг, Аллоҳ таоло оят тушириб, ким Пайғамбар алайҳиссалом билан ҳузурларида ёлғиз қолиб гаплашмоқчи бўлса, гаплашишдан олдин садақа қилишга буюрди. Одамлар бу орқали Пайғамбар алайҳиссаломнинг қимматли вақтларини бекор ўтказмаслик лозим эканлигини англаб бўлганларидан сўнг, бошқа оят тушириб, аввалги ҳукм бекор қилингани эълон этилди.

﴿لَلَّانَ مَلْعَتٌ مَلَأَ اُولُوْا۟رْ۟مُ۟مٌ وَا۟ن۟م۟رُ۟ي۟خ۟ب۟ت۟ن۟ ا۟و۟س۟ن۟ن۟ن۟ وَا۟ي۟۟ة۟آ۟ن۟م۟ خ۟س۟ن۟ن۟ ا۟م۟ت۟ ا۟و۟ا۟م۟س۟ل۟ل۟ا۟ ك۟ل۟م۟ ه۟ل۟ل۟ل۟ا۟ن۟ ا۟م۟ل۟ع۟ت۟ م۟ل۟ا۟ (106). رِي۟د۟ق۟۟ي۟ش۟ر۟ل۟ك۟ى۟ى۟ل۟ع۟ رِي۟ص۟ن۟ ا۟ل۟و۟ي۟ل۟و۟ن۟م۟ ه۟ل۟ل۟ل۟ا۟ن۟ و۟د۟ن۟م۟ ك۟ل۟ ا۟م۟ و۟ض۟ر۟ا۟ل۟و۟

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир эканлиги таъкидланган. Ана шу қудрати ила хоҳлаган оятни насх қилади, хоҳлаганини унутдиради. Бу хоҳишни яҳудийлар чегаралай олмайдилар. Шунингдек, осмонлару ернинг мулки Аллоҳники, жумладан, қайси оятни насх этиш, қай бирини унут қилиш ҳам У зотнинг Ўзининг мулки, Ўзи билади. Юқоридаги оятларда хитоб мўминларга қаратилган бўлиб, унда огоҳлантириш ва эслатиш бор эди. Яҳудийларнинг фитначилик билан тарқатган гаплари баъзи мўмин-мусулмонларга таъсир қилиб, Пайғамбар алайҳиссаломга турли бўлган-бўлмаган саволлар беришга ҳам уриниб қолганларида, Аллоҳ таоло қуйидаги оятни туширди:

لَدَّبَتِّي نَمَوْ لَبَقُ نَمَ سَؤُمَ لِي سَ أَمَكُ مَكَلُ وَسَرَّ أَوْلَ أَسَاتُ نَأَنُ وُدِي رُتَمُ أ  
[108: 108]. (108). لِي بَسَّ لَأَءَاوَسُ لَضُ دَقَفِ نَأَمِي إِبْرَافُ كُ لَأ

**«Ёки Пайғамбарингиздан, бундан аввал Мусодан сўралганидек, савол сўрашни хоҳлайсизми?! Ким иймонни куфрга алмаштирса, батаҳқиқ, тўғри йўлдан адашган бўлади» (Бақара сураси, 108-оят).**

Маълумки, яҳудийлар билиб туриб, қасддан турли саволларни беришар эди. Пайғамбарлари Мусо алайҳиссаломдан бўлган-бўлмаган нарсаларни ҳам, чегарадан чиққан саволларни ҳам сўрайверар эдилар. Улар, Аллоҳни кўрсат, осмондан таомнинг фалондақасини тушир, сигирни қанақасига сўямиз, каби саволларни кўп беришган эди. Ўтган оятларда ўша саволлари охири бориб бошларига етганининг хабари ила танишиб ўтдик.

Аллоҳ таоло барчаларимизни ҳидоятда собит қадамлардан қилсин.

***Хадичаи-Кубро аёл-қизлар ўрта махсус таълим муассаси***

***3 босқич талабаси Нурматова Гулноза***